Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

25 сентябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 196 (1448)

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси раиси Қайим Ҳаққулов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония миллий нефть корпорацияси президенти Кунио Комацу бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Қ. Ҳаққулов меҳмонларга Ўзбекистон ҳукуматининг нефт ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида амалга ошираётган ишлари, хусусан, Бухородаги газ кони ҳамда Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон нефт ва газ саноатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган Японияннинг «Митсубиси» компанияси ишларини тилга олди.

Суҳбат чоғида Япония делегацияси раҳбари К. Комацу Ўзбекистоннинг ушбу соҳада амалга ошираётган ишларига юқори баҳо берди.

Учрашувда янги конларни ўзлаштириш, нефт ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, бу соҳани техника билан таъминлаш ҳамда Осиё бозорида нефт ва газ билан савдо-сотиқ қилишни йўлга қўйиш борасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон мустақиллигининг яқинда байрам қилинган беш йиллиги давлатимизни барпо этишнинг дастлабки босқичига якун ясади. Тарихан олиб қараганда, беш йил — унчалар катта давр эмас. Бироқ ана шу жуда қисқа бир фурсатда мамлакатимиз мисли кўрилмаган тараққиётга эришди, энг муҳими, демократик ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтиш бўйича дадил қадамлар ташланди.

Ҳозир буни алоҳида исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки бу борадаги ютуқларимиз юртимизнинг исталган бурчагида яққол кўзга ташланиб турибди. Буни, хусусан, Ўзбекистонга келиб кетаётган кўплаб кузатувчилар ҳам қайд этяптилар. Ўзбекистонимизнинг ўзида, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ўтаётган обрўйли халқаро анжуманларда ҳам шу ҳақда сўз борянти. Австрия, АҚШ, Германия, Индонезия, Миср давлатларида ўтказилган «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон раҳбари», «Барқарорлик ва ислоҳотлар», «Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деган китобларнинг таништирув маросимлари республикамиз эришган ютуқларнинг ёрқин далили бўлди. Чет эллик китобхонларнинг Ўзбекистондаги катта ўзгаришлардан келиб чиқадиган тажрибаларга қизиқиши ғоят баланд. Бундай қизиқувчилар орасида эса таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ҳамда бошқарув мутахассислари бор. Ислоҳотларимиз мағзида жаҳон тамаддуни тажрибалари билан миллий ўзига хосликларимиз уйғунлашган, жамиятнинг янгиланиши ана шу тарзда амалга оша бораётир.

Қисқаси, беш йилда қилинган ишларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Тўғри йўл танланган, ислоҳотлар ўтказишнинг асосий қатъиятлари аниқ белгиланган, янгиланиш ва тараққиётнинг ўзбек модели ўзини тўла оқлади ва муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётир.

Катта-катта ютуқларга эришаётган бўлсак-да, бир лаҳза ҳам ҳал этилиши зарур муаммолар, шу жумладан, жамиятнинг сиёсий тизимини бундан буён ҳам ривожлантириш масалаларини унутаётганимиз йўқ.

Олий Мажлиснинг охирги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш жараёни ва тубдан ислоҳ қилиш — узоқ муддатли ва доимий жараён эканини таъкидлади: **«Биз изчил, қадам-бақадам янги марраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак».**

Президентимиз парламентимиз минбаридан туриб сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш суръатлари иқтисодиётдаги ислоҳотлар миқёси ва самарадорлигига нисбатан орқада қолаётганини айтди, демократлашиш йўлида ривожланишнинг бундан буёнги аниқ мўлжалларини белгилаб олиш, уни муайян мазмун билан тўлдириш, халқ оммаси учун тушунарли ва унга яқин бир шаклга келтириш зарурлигини уқтирди.

Демократик жараёнларни давом эттириш учун, барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувлик билан бирга, мамлакат барча фуқароларининг сиёсий фаоллиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эрк бериш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун ҳар тарафлама омиллар яратиш орқалигина чинакам ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдан кўзланган марраларга етишимиз мумкин.

Яқинда Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуидаги семинар-кенгаш Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай олға интилаётганини яна бир намойиш этди.

Мазкур семинар-кенгашда ҳозир Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига раҳбарлик қилаётган «учлик» — Швейцария Давлат котибининг муовини Ж. М. Булгарис, Венгрия Давлат котиби А. Эрдеш, Дания Ташқи ишлар вазирлиги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бошқармаси бошлиғи В. Фриис-Мюллернинг иштирок этганлигини халқаро ҳамжамиятнинг республикамизда бу йўналишда олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаётгани, бизда янги ютуқларга қизиқаётганининг далили сифатида баҳолаш мумкин.

АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Латвия, Нидерландия, Россия, Швейцария, Швеция ва бошқа мамлакатлар, талай баобрў халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар иштирокида ўтган бу йирик анжуманда қўлга киритилган бош натижа нимадан иборат?

Эҳтимол, меҳмонларимизга берилган бу имконият уларнинг биз қанчалар очиқ жамият қураётганимиз, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, ислоҳотларимиз ўтказишнинг асосий қатъиятлари аниқ белгиланган, янгиланиш ва тараққиётнинг ўзбек модели ўзини тўла оқлаётгани ва муваффақиятлар яратгандир.

Семинар қатнашчилари яна бир бор муайян мисоллар, фактлар, ашёлар асосида демократик Ўзбекистонга хайрихоҳ бўлмаган кимсалар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатган хабарлар нечоғли тўқима ва бўҳтон эканлигига ишондилар.

Шуни аниқ биламанки, бундай мақолалар муаллифлари — ҳаддан ташқари ва керагидан ортиқ жиззаки шахслар. Уларнинг кўпи — шўролар тузуми даврида яхши еб, яхши ичиб юрган, роҳат-фароғатда яшаган, мустақил давлатимиз барпо бўла бошлаган 90-йиллар бошларида қўлларини гуноҳга ботириб, чўнтакларини тўлдиришга улгурган кишилар. Энди уларга ана шу «мазахурак» насибаларидан бенасиб қолганлари алам қиляпти, уларга «қулиб боққан» замонлар эса ўтиб кетди...

Вужудга келган вазият улар учун ҳозирча бўш турган сиёсий мухолифат «саҳна»сини эгаллаб олиш учун энг қулай имконият бўлиб қолди. Энди уларга оғиз кўпиртириб танқид қилиш, гўё ҳаммани «ўқитиб қўйиш» жуда қулай, оп-осон, ахир, уларга нима, суяксиз тил — гапирса, гапираверади-да!

Нима ҳам дердик? Ватанининг оғир синовларни бошидан кечираётгани ҳозирги кунида озодлик ва фаравон турмуш яратиш йўлида унинг қийинчиликларига шерик бўлишни истамаган, ўз ихтиёри билан ўтмиш ботқоғига ботган бу «кечаги» кишиларга ачинамиз, холос. Сизлар йўлларингизни ўзларингиз танлагансизлар. Энди бунчалар бақир-чақирга не ҳожат?

Ўзга жойни эгаллашга уриниш ярамайди. Бугун мамлакатимиз сиёсий майдонига янги, ёш кучлар — олимлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар кириб келяпти. Бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга иккиюзламачилик ва сафсатабозлик, сиёсий ва иқтисодий найрангбозликлардан холи янги авлод кириб кела бошлади. Мустақиллик бу ёшларга она Ватанимизда ва хорижий юртларда таълим олиш, энг илғор ва мутараққий давлатларнинг бизга намуна бўлгулик, шу жумладан, демократик тузилмалар соҳасидаги тажрибаларни ўрганиш имконини берди.

Умидимиз — худди ана шу ёш кучлардан. Айнан ана шу ёшлар демократик ўзгаришларнинг мураккаб йўлидан юраётган бутун жамиятимизнинг мустаҳкам таянчлари бўла оладилар.

Бугун биз конструктив мухолифат — ҳар қандай тамаддуний давлатнинг асосий ривожланиш таянчи эканини тушуниб етдик. Жамиятнинг бу қадриятлари ва мақсадларини барча демократик тузилмалар ҳам қадрлаяпти, улар мамлакат фуқаролари онгига ҳам сингиб боряпти. Бу эса бизни қувонтиради. Шубҳа йўқки, турли нуқтаи назарлар, ижтимоий ҳаётнинг у ё бу масаласи юзасидан бир-бирига мос келмайдиган ҳар хил қарашлар билан шундай демократик жамият қурамиз ва унда ҳар бир фуқаро ўз фикрини эркин баён қила олади ҳамда мақсади инсон ҳаёти, унинг нуқтаи назари, ҳуқуқи ва эрки ҳамма нарсадан устун кўриладиган бошқарувда иштирок этади. Шундай кунга етишимиз аниқ.

Биз муайян тажриба, кўникма, малака тўплашга катта зарурият сезилаётган бир оғир босқични бошдан кечираяпмиз. Шу муносабат билан ҳукумат муассасалари вакиллари ва Ўзбекистон илмий жамоатчилигина эмас, балки республика жамоат, ноҳукумат ташкилотлари фаоллари ҳам иштирок этган семинар-кенгаш аҳамияти беқиёс. Бу анжуманда кўп йиллик демократик анъаналарга эга давлатлар вакилларининг фикр-мулоҳаза ва тажрибалари бугун биз учун мавҳум бир тушунчалар эмас, аксинча, муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу маънода семинар-кенгаш қатнашчиларининг кенг миқёсли фикрлари, ранг-баранглиги билан ажралиб турган баҳс-мунозаралари руҳи кишини қувонтирди.

Тошкент учрашувининг юксак самарали натижалар берганини қайд этар эканман, бунинг учун катта тайёргарлик ишларини олиб борган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига миннатдорлик билдирмоқчиман. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа баобрў халқаро ташкилотларнинг бу анжумандаги фаол иштирокини, йиғиннинг муваффақиятли иш олиб боришига қўшган ҳиссасини эсламай ўтиш мумкин эмас.

«Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» семинар-кенгаши ўз ишини якунлади. Бироқ ундан олинган янги ахборотлар ҳамон мулоҳаза қилиняпти, республика жамоатчилиги орасида бу анжуман материалларини қизғин муҳокама қилиш давом этяпти.

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари қатъий ҳаракатлари йўлида муҳим ва зарур вазифа бажарган бу семинар-кенгашнинг асосий натижаси — ана шу, деб ўйлайман.

«ЎЗКЕЙСАГРОЛИЗИНГ» КОМПАНИЯСИ ТУЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Американинг Кейс кредит компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилаётган, низом жамғармаси 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Ўзкейсагролизинг» қўшма лизинг компаниясининг таъсис ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг шу йил июнь ойида Америка Қўшма Штатларига қилган сафари пайтида мазкур хайрли ишга асос солинган эди: Ўзбекистон банклари ассоциацияси Кейс кредит компанияси ва қишлоқ хўжалик техникасини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда биринчи ўринда турувчи Кейс корпорэйшн билан биргаликда қишлоқ хўжалиги бўйича лизинг компаниясини тузиш ҳақидаги протокол имзоланганди.

Кейс корпорэйшн президенти Жан Пьер Россо «Ушбу лизинг бўйича шартнома Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларимизни янада кенгайтиради. Бу молия структурасини ривожлантириш бўйича қўйилган дастлабки қадам бўлиб, уни такомиллаштириш ва ушбу тажрибани бошқа ривожланиб бораётган бозорларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорлигимиз бизга маҳаллий бозорни яқиндан билиш имконини беради», дея таъкидлади.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Кейс кредит компанияси чет эл сармояларини республикамиз иқтисодиётига жалб этиш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришнинг сифат жиҳатдан янги концепциясини ишлаб чиқдилар. Концепцияда чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг кредит ресурсларини республикага жалб этиш назарда тутилган. Жумладан, Халқаро молия корпорацияси лойиҳада иштирок этиш истагини билдирди ва шу йилнинг октябрь ойида бу ҳақдаги шартномани имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси лизинг лойиҳасига катта молиявий ресурслар ажратди. Банк капиталини қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат натижасидир.

Республиканинг 27 банкини бирлаштирган ассоциация Ўзбекистонда молия соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўпгина лойиҳаларнинг ташаббускоридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Марказий Осиёда биринчи банк-молия академияси тузилди, Ўзбекистон мактабларида 40 дан ортиқ банк синфлари ҳамда 5 та банк колледжи иш бошлади. «Банк инвест траст», «Банксуғурта», «Банк-лизинг», «Банклараро ҳуқуқий хизмат маркази», «Банкаудит», «Банкинформрейтинг», «Консалтинг — инжиниринг» компаниялари каби молиявий ташкилотлар тузилди ва фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Кейс кредит компанияси «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонасининг муваффақиятли фаолиятида ишонч билдирмоқдалар. Мамлакатимизга келтирилаётган чет эл трактор ва комбайнларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Ўзкейссервис» компаниясини ташкил этиш Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Кейс кредит компанияси билан биргаликдаги лойиҳаларни амалга оширишда навбатдаги қадами бўлади.

(ЎзА).

Пахта-96

НЕГА СУСТ?

Республика пахта майдонларида йиғим-теримнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Мавсумга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўриб қўйган жамоалар дастлабки кунлардаёқ «отни қамчилаб» режани бажариб қўйишди.

Лекин афсуски, ҳамма ерда ҳам терим суръати кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Айрим вилоят, туман ва хўжаликлар раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига эътиборсизлик билан қараганлари боис теримда унум йўқ, илиқ-иссиқ кунлар самарасиз ўтмоқда.

Қарорда таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси 1 сентябргача техникани теримга шай қилиб қўйиши керак эди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси биргаликда ўтказган ҳайъат йиғилишида баъзи туманлар ҳалигача йиғим-теримга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бу жойларда механизатор ва теримчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун иш ва маиший шароитлар талаб даражасида эмас. Тўғри, Асака, Самарқанд, Косон, Денов, Урганч, Далварзин, Янгиқўрғон таъмирлов заводлари ва туманларда жойлашган таъмирлаш корхоналари 2325 та двигателни мавсумгача таъмирлашни режалаштирган. Айни чоғда улар бу ваъдаларини бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Шунга қарамай, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясига қарашли корхоналар терим техникаси ва тирқамаларни хўжаликларга вақтида юбормаяпти. Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига техника ёрдами кўрсатишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Сирдарё, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари раҳбарлари томонидан назорат ва интизомнинг сусайтириб юборилганлиги оқибатида бугунгача кўплаб техника ишлашга тайёр эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Таъмирланган техникани қабул қилиб олиш ҳам пайсалга солинмоқда.

Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг баъзи хўжаликларида катта-кичик раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли дефолиация ўтказиш жадвалига риоя қилинмаганлиги устига йиғим-терим ҳам яхши ташкил этилмаган. Бир қатор хўжаликларда дефолиация сифатини кузатиш ҳам чалакам-чатти бажарилган. Натижада ғўза барглари тўла тўкилиши таъминланмаган.

«Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси эса хўжаликларга ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш муаммосини ҳал этишда сабабли ва сабабсиз қийинчиликларга дуч келаётир. Ваҳоланки, қарорда: «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ёнилғи-мойлаш материаллари 1996 йил сентябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалигига, пахта тозалаш саноатига йиғим-терим ва транспорт ишларини, тайёрлов пунктларида пахтага ишлов беришни, кузги шудгорлашни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда, улар қийматининг 15 фоизини олдиндан ундирмаган ҳолда, ҳисоб-китобларни пахта хомашёсининг пахта тозалаш заводларига сотилишига қараб биринчи навбатда амалга ошириш шарти билан етказиб берилишини таъминласин», дейилган.

Хўжаликларнинг баъзиларида ҳосилни йиғиштириб олишда меҳнаткашларни моддий рағбатлантириш ҳам талабга жавоб бермайди. Масалан, қарорда икки қаторли пахта териш машинасида терилган бир тонна пахта учун камида 50 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда 30 сўм, қўлда терилган бир килограмм пахта учун камида 2 сўм ҳамда йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар бешўн кунда ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилган. Бу борада «Пахта-банк» ва бошқа банкларнинг ҳаф бири вилоятга қачон пул етказиб бериши бўйича аниқ режалари бор. Лекин баъзи жойларда ҳукуматимизнинг бу тавсияларига эътибор бермаслик каби фактлар юз бермоқда. Нимага деганда, бу жойларда раҳбарлар ўтган йилги хатоларини такрорлаб, қўлда терилган пахтага қарорда белгиланганидан кам ҳақ тўламоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини бажариш ҳамма ерда ҳам бир хил эмас. Шунинг учун бу муҳим ҳужжатни амалга оширишга мутасадди бўлган раҳбарлар юқоридаги каби хато ва камчиликларни тузатиб, муаммоларни тезда ҳал этиб, пахтакорларга амалда кўмак беришлари лозим. Чунки вақт — ғанимат.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСРОИЛ БОШ ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

Исроил Бош вазири Бенжамин Нетаньяху баёнот бериб шундай деди: Сурия ўзига қулай шартлар асосида тинчлик музокараларини давом эттиришга Исроилни мажбур қилишга уринмоқда. Шубҳали ҳарбий ҳаракатлар бу Исроил жамоатчилиги ва ҳукуматининг нечоғлик қарори қатъий эканлигининг синовидир, деди Бош вазир.

ШАРҚИЙ ТОЖИКИСТОНДА ВАЗИЯТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Тожикистон ҳавфсизлик кенгаши котиби Амирқул Азимов матбуот конференциясида Қоратегин водийсида ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартнома бажарилмоқда, — деб баёнот берди. Август охирида бошланган жанглар Тожикистон ҳукумати ва муҳолифат ўртасидаги 15-16 сентябрь кунлари имзоланган шартномага мувофиқ тўхтатилган эди. Шунингдек, 18 сентябрь куни чегара олди Ишкашим шаҳрида Россия чегара қўшинлари қўмондони П. Тарасенко ва Афғонистон 6-армияси қўмондони Наҳмуддин билан имзоланган шартномага мувофиқ, 25 километрли ҳавфсизлик зонаси вужудга келтирилди. Афғонистоннинг Шунган туманидаги бу ҳавфсизлик зонаси тожик муҳолифатчиларини Афғонистон ҳудудидан кириб келишини олдини олади.

УНИВЕРСИТЕТ БИНОСИ ЁНИДА ЎҚ УЗИЛДИ

Пенсильвания штатида жойлашган университет биноси ёнида 19 ёшли қиз бир нафар студентни отиб ўлдирди ва бир нафарини яралади. Қотил милтиқни иккинчи маротаба ўқлаётган пайтда қўлга олинди. Полициянинг хабар беришича, қотил Жулиан Роббинс ўз қурбонларини аввал танимаган. У нима учун ўқ узганлиги ҳам ҳозирча номаълум.

БЎРОН ҚУРБОНЛАРИ

«Салл» бўрони туфайли Жанубий Хитойда 114 нафар киши ҳалок бўлди, 110 нафар одам эса дом-даракси йўқолди. Кўплаб балиқчилар азият чекишди. Чунки бўрон турган пайти улар очиқ денгизда бўлишган.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ – БОШ МАВЗУ

24 сентябрь куни Тошкентда Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти, Тошкент молия институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида «Ўтиш даври иқтисодиётида ижтимоий сиёсат» мавзуидаги семинар бошланди. Унда Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан биргаликда Марказий Осиё давлатлари ҳамда хитойлик мутахассислар иштирок этмоқда.

Анжуманда ижтимоий сиёсатни ҳаётга татбиқ этишнинг макроиқтисодий шартлари ва бу соҳани қайта ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлари мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Семинар қатнашчилари тўрт кун давомида ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳалари ҳамда пенсия тизимини қайта ислоҳ қилиш, ижтимоий секторнинг молиявий таъминоти, меҳнат бозори ва ишсизлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Косонсой туманида Туркия билан ҳамкорликда қурилган «Космирдери» қўшма корхонаси йилига 300 минг дона терини қайта ишлайди. СУРАТДА: муҳандис Б. Каримов А. Диллек ва А. Каятепелар билан.

7 ЧЕВАР ҚИЗ – ИККИ ОЙДА...

«Совға» хусусий зардўзлик маркази дастлабки давлат буюртмасини бажарди. У республика Амир Темур музейи учун тикилган «Амир Темур» панносидир.

Ушбу санъат асарини 7 чевар қиз 2 ой мобайнида тикиб тугатди. Унда зардўзликнинг 18 туридан фойдаланилганлиги таҳсинга лойиқдир. Жумладан, «мавжитунук», «мавжиякрўя», «чашмаи булбул», «даббуса» сингари тикиш усуллари паннонинг бетакрор гўзал чиқишига хизмат қилган.

Хеванинг қадим Саёт қишлоғи. Ватанимиз тарихига буюк маърифатпарвар шайх Наҳмиддин Кўбро таваллуд топган макон сифатида кирган. Бу ерда маданий сув булоғининг кўз очиши қишлоқ донини янада кенг ёйди. Ана шу булоқ нечанда давомли ва дам олиш маскани қўрғонга киритилди.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

Ҳиндистоннинг ортопедия соҳасидаги бир гуруҳ мутахассислари Ўзбекистонга келди. Гуруҳга бутун дунёга танилган олим, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маслаҳатчиси доктор Шанкаран бошчилик қилмоқда.

23 сентябрь куни республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Ортопедия» акционерлик жамиятида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ортопедия буюмларини таништириш маросими бўлди.

Ҳиндистон делегациясининг раҳбари Ўзбекистонга сафарнинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди. Ҳиндистонликлар бу ерда республикамиз ортопедлари малакасини оширишда бегараз амалий ёрдам ва маслаҳат берадилар, биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ногиронларга тиббий ва ортопедия хизматини яхшилашда кўмаклашадилар, бир-бирларига мутахассисларни юборадилар, протез ясашнинг замонавий технологияларидан фойдаланадилар.

ОЛТИН ҲАЛҚА

АВТОПОЙГА-96

Аввал хабар қилганимиздек, автопойга қатнашчилари Қорақалпоғистон Республикасининг маркази — Нукусда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари нукусликларда катта таассурот қолдирди.

«НЕКСИЯ» — ЗАМОНАВИЙ МАШИНА

Ўзаро мулоқотлар чоғида улар бу замонавий автомобилларни жон деб сотиб олишга тайёр эканликларини изҳор этишди. Айниқса, «Нексия»га талаб катта. Шаҳарда унинг ихлосмандлари, харидорлари кўпаймоқда. Кўчаларда ғизиллаб юрган бежирим «Нексия»ларни кўрганда, кимнинг юраги қувонч ва ифтихор ҳисси билан тепмайди, дейсиз!

Колонна Нукусдан Хивага қараб ҳаракатланди. Йўл-йўлакай ҳеч қандай ишкаллик сезилгани йўқ. Аксинча, машиналар ўзининг юқори техник имкониятларини намоён этди. Тезлиги, тормозланиши, двигателларнинг шовқинсиз ишлаши одатдагидек эди. Эслатиб ўтайлик: биринчи кундан бери автоколонна олдида кумушранг «Нексия» машинаси бормоқда. Уни тажрибали, моҳир ҳайдовчи Борис Виноградов бошқараяпти. Борис Михайлович илгари ҳам бундай мусобақаларда қатнашган, Европа, МДҲ, Ўзбекистон бўйича ўтказилган пойгаларда автоколонналарга етакчилик қилган.

— Касбим тақозосига кўра жаҳондаги фирма ва компанияларда ишлаб чиқарилган турли русумдаги машиналардан яхши хабардорман, — дейди у. — Бизнинг «Нексия» улардан асло қолишмайди, ҳатто баъзи жиҳатлари билан анча устун туради. Автомобиль дизайни, тежамкорлиги, бежирим кўриниши, комфортабеллиги билан жаҳон андозаларига тўла мос. Энг муҳими, у кондиционер, иситгич ускунаси, магнитофон билан жиҳозланган. Машина осон бошқарилади.

Иккинчи «Нексия» ҳайдовчиси Юсуф Ҳамроевнинг фикри ҳам шундай. Яъни, машина жиддий синовдан яхши ўтаяпти. Турли йўл ва иқлим шароитларида унинг қисмларида бирор ишкаллик ёки носозлик сезилгани йўқ. «Нексия»мизга кўпчиликнинг меҳри ва ихлоси ортаётгани бежиз эмас. Уни том маънода XXI аср машинаси, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам анча қиммат туради. Лекин чинакам автоҳаваскорлар учун бунинг аҳамияти йўқ.

Ўзининг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга пухта ҳозирлик кўраётган қадимий Хивада автоколонна ҳурсандчилик билан кутиб олинди. «ЎзДЭУавто» машиналари одамларда катта қизиқиш уйғотганлиги, уларнинг эътиборини тортганлиги яққол сезилиб турарди.

— Эски «Москвич»им бор, — дейди хивалик Р. Мадримов. — Лекин шу кунларда хаёлимни «ЎзДЭУавто» машиналари банд этган. «Тико» бўлса ҳам майли эди. «Москвич»ни сотаман. Қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб, барибир бу чиройли машинадан биттасини сотиб оламан. Қарорим қатъий.

Хивадан чиқиб, Қорақум орқали 500 километр йўл босган автоколонна Чоржўй чегарасига келиб тўхтади. Яқин орада — гавжум бозор. Одамлар ярақлаб турган машиналарни ҳайрат билан кузатишаркан, бу мўъжиза қардош Ўзбекистонда яратилганига ишонгилари келмаётгандек эди. Уларнинг нигоҳларидан шундай маънони уқиш мумкин эди: «Сотиб олишни хоҳлаймиз, лекин имкониятимиз йўқ».

— Бугун Чоржўйда атиги бир нечта «Тико» бор, — дейди шаҳар ДАН ходими К. Пиров. — Улар ҳам олис хорижий мамлакатлардан сотиб олинган. Қани энди, бизда сизларнинг машиналарингиздан кўпроқ бўлса... Шундай кунлар, албатта, келади.

Қашқадарё вилоятига сафар Нишон туманидан бошланди. Автоколонна қатнашчилари бу ерда ҳам самимий кутиб олинди. Айниқса, Қарши шаҳрининг Мустақиллик майдонида бўлган тантаналар қизғин руҳда ўтди. Тўпланганлар ҳузурида «ЎзДЭУавто» машиналарининг дастлабки намуналари кенг намойиш қилинди, уларнинг иқтисодий-техник имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

В. ДРАЧЕВ,
махсус мухбиримиз.

ЖАМҒАРМА ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Истиқлол халқимиз асрлар мобайнида орзу қилиб келган озодликни, ўз маданияти ва қадимий анъаналари, қадр-қиммати, дини-эътиқодини, ўз она тилини ва маънавиятини қайта тиклаш имкониятини берди.

Дарҳақиқат, сиз билан биз қўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучутини тотган кексалар озод юртимизни, истиқболи порлоқ Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашда ёшларга етакчи бўлишимиз, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда бош-қош бўлишимиз даркор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Фахрийлар уюшмаси фаолиятида собиқ тузумдаги иш услублар, ишни ягона режа асосида ташкил этиш, ҳисоботлар тинглаш ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Фахрийлар билан ишлашда уларнинг бошини бир жойга қовуштириш, жамоат ишларига жалб этиш даврининг ўтиб кетгани, замон талабига тўла жавоб беради, деб айта олмаймиз. Сир эмаски, фахрийларимиз орасида эскича фикрлайдиган кишилар йўқ эмас. Шу жиҳатдан олганда, ҳозирги Фахрийлар кенгаши ўрнига нуфузлироқ, демократик, ҳуқуқий давлат тузимига фаол ёрдам берадиган бирор жамғарма тузилса деган фикрни ўртага ташламоқчимиз. Бизнинг фикримиз — ана шу Фахрийлар кенгаши ўрнига «Нуроний» жамғармаси ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз таклиф қилаётган «Нуроний» жамғармаси инсонларда, ва айниқса, ёшлар онгида юксак маънавият ҳисларини уйғотишга хизмат қилса, деймиз.

Бизнинг фикримиз шуки, «Нуроний» жамғармаси ўз Низомига эга бўлиб, эл-юрт ободончилиги, равнақи, бахт-саодати йўлида бош-қош бўлса, кексаларнинг сўзи, даъвати шу қадар ҳароратли бўлиб, ҳар бир муаммо ечимини топса, бирорта инсон норози бўлмаса.

Умр оқар дарё дейдилар, шундай экан, кексалар билан ёшлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтирайлик. Ўшанда қиладиган ишларимиз ўринли, тартибли бўлади.

«Нуроний» жамғармасини қўллаб-қувватловчи, унга ҳайрихоҳ, бўлувчи ишбилармонлар эса жуда кўплаб топилади.

Салоҳиддин МИРЗАЕВ, нафақахўр,
Муталлибжон СИДДИҚОВ, нафақахўр,
Абдуқаҳҳор ХОЛДАРОВ, меҳнат фахрийси,
Абдуманнон ЗАФАРОВ, Халқ маорифи фахрийси,
Маҳаммаджон МИРЗАРАҲИМОВ, иккинчи жаҳон уруши ногирони,
Асака тумани.

* * *

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини нишонлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Мустақиллик байрами республикамиз Президенти И. Каримов раҳбарлигида танлаган йўлимиз нақадар тўғри ва ҳақ эканлигининг тантанасига айланиб кетди. Айтиш жоиз бўлса, беш йилликда қўлга киритган ютуқларимиз беш асрга татигулиқдир. Ҳамма соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини кўриб турибмиз. Бозор иқтисодиёти шароитида яшаш ва ишлашнинг ҳайдини ҳам олдик.

Ватанимизда улкан бурилишлар самараси туфайли янги-янги уюшмалар, жамғармалар, бўлимлар фаолият кўрсата бошлади. Айтайлик, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос» каби кўплаб жамғармалар вужудга келдики, уларнинг ҳаммасининг зиммасида ўзига яраша вазифа ва масъулият бор.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимиз. Бизнинг маҳаллада уруш ва меҳнат фахрийлари жуда кўпчиликни ташкил этади. Лекин уларнинг ҳаммаси фахрийлар кенгашининг ғамхўрлиги билан чулаб олинган эмас. Негадир, ҳатто шаҳар миқёсидаги баъзи бир тадбирларга бир-икки кишигина таклиф этилади. Айниқса, фарзанд тарбияси билан андармон бўлиб уйида ўтириб қолган фахрий онахонларимиз борки, улар ҳақида муғлақо эътибор йўқ. Яна шуниси қизиқки, шаҳар ёки вилоят миқёсида ўтказиладиган тадбирларга нуқул коммунистик партия даврида нафузли ташкилотларни бошқарганларгина таклиф этилади. Улар бир марта эмас, доим ана шу тадбирларнинг тўрини эгаллайдилар. Биз ўша фахрийлар кенгашлари назарига тушмаган отахон ва онахонларимиз холидан ҳам хабар олиш тарафдоримиз, холос.

Яқинда маҳалламиз фуқаролар йиғини маслаҳатчилари ва фаол отахонлари иштирокида йиғилиш ўтказдик. Йиғилишда юқоридаги фикр мулоҳазалар обдон таҳлил этилиб, Фахрийлар кенгаши ишининг мазмун ва моҳиятини ўзгартириш, унинг ўрнига фахрийлар жамғармасини ташкил этиш лозим деган қарорга келдик.

Ана шундай жамғарма тузилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Унинг ўз маблағи, ўз йўналиши, ўз вазифаси пайдо бўлади, деб ўйлаймиз.

Андижон шаҳар «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқолларидан:

Болтабой ТОЖИБОЕВ, Мамасали СОБИРОВ, Одилжон ИСОҚОВ, Шариф ОППОҚОВ, Сотиболди БАДАЛХЎЖАЕВ, Рафиқ СУЛАЙМОНОВ, Комил ҲОЛИҚОВ, Йном ҲАЙДАРОВ, Зокир ҚАРИМОВ ,Комилжон МАМАЖОНОВ, Сайфутдин МАМАЖОНОВ.

Хабарлар

ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов номли ширкатлар уюшмаси марказида янги шифохона иш бошлади.

Эндиликда қишлоқ аҳли кўрик ва маслаҳат учун вилоят марказига ёки тумандаги поликлиникага қатнаб юрмайди. Кенг профилли врач ва 8 нафар кичик тиббиёт ходимлари улар хизматига шай. Бу шифо масканида оналар ва болалар соғлиғини кузатиб бориш, даволаш, йўл-йўриқлар бериш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Худди мана шундай шифо маскани, шунингдек, Ховос туманининг Хўшамушкент қишлоғида ҳам иш бошлади.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОНДАТРА, ҚУЁН...

Қамаши туманидаги «Ҳунарманд» ҳиссадорлик жамияти усталари мўйнадан телпак, қишда асқотадиган турли иссиқ кийимлар тикишни йўлга қўйдилар. Улар ондатра, қоракўл, қуён териларидан тайёрланган уч мингдан зиёдроқ мўйна маҳсулотларини савдо дўконларига жўнатишди.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«КООПЕРАТИВ ОСПРЕЙ-96»: ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

2. КЕМП-ЛЕДЖЮН ПОЛИГОНИДА

Ҳарбийларимиз америкалик профессионал рейнжерлардан қолишмай маҳорат кўрсатишди

НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги тинчликни сақлаш ҳарбий машқларида қатнашиш учун Америка сари йўл олган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳарбий хизматчиларининг «Марказийосиёбат» тинчликпарвар жамлама взводи ўтирган самолёт етти соатдан сўнг Германиянинг Франкфурт-на-Майне аэропортига қўнди. Бу ерда Марказий Осиёлик тинчликпарварлар Каролина штатида ўтказиладиган ҳарбий машқларнинг қатнашувчилари — Албания, Руминия, Грузия ва Молдова вакиллари билан учрашишди. Кейин Европа ва Осиё тинчликпарварлари ўтирган жаҳондаги энг катта авиалайнер — «Боинг-767» ҳавога кўтарилиб, океан орти сари йўналди.

Эртаси куни Американинг Молли Питчер шоссесида АҚШ, Канада, Польша, Руминия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Голландия, Албания, Эстония, Латвия, Литва, Словакия, Молдова, Грузия, Венгрия, Болгария, Украина ва Австрия ҳарбий бўлинмалари саф тортди. НАТОнинг Атлантика жангчилари кўмондони Ю. Шихан «Кооператив оспрей-96» машқларида қатнашувчи аскарларга мурожаат қилар экан, тинчликпарвар жангчиларни келажакнинг бунёдкорлари, деб атади. Шундан сўнг оркестр ижросидаги ҳарбий марш садолари остида Шимолий Атлантика блоки ва ўқув машқларининг расмий байроғи қаторида барча қатнашчи мамлакатларнинг байроқлари кўтарилди. Улар орасида зангори ва беғубор осмон, оқ-ойдин тилакдек оқликда акс топган тинчлик ва барқарорлик, яшил кенгликлар янглиғ эзгуликни ўзида мужассам этган Ўзбекистон байроғининг ҳам борлиги тинчликпарвар жангчиларимиз қалбини фахр ва ифтихорга тўлдирди.

— Шундай лаҳзаларда она-Ватаннинг байроғи кўзга оловдек кўриниб, дилга ғўзал диёримизнинг бепоён яшил далаларини ортмоқлаганча кўчиб ўтар эканки, байроғимизда акс этган эзгулик билан киши бошқа мамлакат вакиллари олдида ўзида ғурурланиш ва бундан масрурлик туйғуларини ҳис этар экан, — дейди ўша лаҳзалар қалбида кечган илиқ туйғуларини биз билан ўртоқлашиб, оддий аскар Р. Файзиев.

Ўқув машқларининг тантанали очилиш маросимидан сўнг қатнашчилар жанговар вертолётларга ўтириб, дала лагери томон йўл олишди. Эртаси куни бу ерда тинчликпарвар жангчиларимиз ўқув машқларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, Тошкент гарнизони бошлиғи генерал-майор Қ. Абдуллаев билан учрашдилар. Бу учрашув Америкага юксак ватанпарварлик руҳида келган тинчликпарвар жангчиларимизнинг ўқув машқларига бўлган кайфиятини янада кўтарди.

Ва ниҳоят, ўқув машқларининг биринчи куни етиб келди. Қудратли юк машинаси «Марказийосиёбат» тинчликпарвар жамлама взвод жангчиларини Кемп Леджюн денгиз пиёдалари базасига элтди. Иқлим диёримизнинг август чилласини эслатади. Албатта, илк марта ўзгача муҳит, бошқача шароит, нотаниш қуроллар билан ишлашнинг ўзига хос ҳаяжонга соларли томонлари мавжуд. Бунинг устига бизнинг бир ротадаги ҳамкорларимиз профессионаллар, яъни АҚШ, Канада, Венгрия ҳарбийлари эди. Шундай бўлишига қарамай, биринчи сменада ўт очиш машғулотига таклиф этилган прапорщик А. Саидов М-16 америка автоматик милтиғидан отиш бўйича юқори натижа кўрсатди ва америкалик инструкторларнинг олқишига сазовор бўлди. Бу барча тинчликпарвар жангчиларимизга руҳий мадад берди ва ўзларига ишонган ҳолда нотаниш қуроллардан ўт очишга киришиб кетишди...

Ана шундай бир пайтда америкалик инструкторлар ҳайратларини яширолмай: «Бахтиёр Муҳитдинов ким?» — дея, «Марказийосиёбат»чиларга мурожаат қилиб, ундан бундай аниқ нишонга отишни қаерда ўрганганлигини, қайси урушда қатнашганлигини сўрай кетишди. Зеро, ҳамюртимиз 53 имкондан 45 та нишонни аниқ мўлжалга олганди. Бу натижа барча америкалик профессионалларни, сўзсиз, ҳайратга солди.

Сержант Бахтиёр Муҳитдинов ҳеч қандай урушда қатнашмаганлигини, Президент ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати туфайли мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганлигини, аниқ отиш тажрибаларига Миллий гвардиянинг бир бўлинмасидаги ўқув машғулотлари жараёнида эга бўлганлигини айтди. Бу эса америкаликларни яна-да ҳайратга солди.

Машғулотларнинг иккинчи босқичи далада Америка жанговар қуролларидан ўт отишдан иборат бўлди. Нотаниш қурол бўлишига қарамай, бу сафар ҳам вакилларимиз юқори натижалар кўрсатишдики, ҳатто бундай натижага АҚШ денгиз пиёдаларининг профессионал вакиллари ҳам эришолмади. Энг юқори натижани аввалдан кутилганидек шу йил Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртини тугатган взвод командири лейтенант Руслан Алимуҳаммедов кўрсатди. Оддий аскарлар Темур Халилов ва Шавкат Болтаев ўз командирларидан бироз ортда қолишди.

Бу «Кооператив оспрей-96» тинчликни сақлаш ҳарбий машқларида қатнашган тинчликпарвар жангчиларимизнинг фақат биринчи кунги фаолиятидан келтирилган баъзи мисоллар холос. Ҳамюртларимиз жаҳон ҳарбийлари билан бирга ўтказилган тинчликни сақлаш машқлари давомида юқори маҳорат кўрсатиб, америкалик рейнжерлардан қолишмади.

«Кооператив оспрей-96» тинчликни сақлаш ҳарбий машқлар дастури асосан икки таркибий қисмдан иборат бўлди. Биринчиси — шахсий таркиб ўқув нуқталарида берилган топшириқни бажариб, машғулот ўтказди. Иккинчиси — ўрганилган вазифалар бўлинма таркибида тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. АҚШ, Канада, Венгрия, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳарбийлари билан бир рота таркибида ҳаракат қилган тинчликпарвар жангчиларимиз зиммасига юкланган асосий топшириқ ва вазифалар қуйидагилар эди: турли мамлакат тинчликпарвар бўлинмаларининг биргаликдаги ҳаракатини ишлаб чиқиш; тинчликпарварларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳаллий аҳоли ва қочоқлар билан бирга ҳаракат қилишини мувофиқлаштириш; тинчликпарварларни этник гуруҳлар ўртасидаги фуқаролар уруши шароитида тинчлик ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, БМТ андозаларига мувофиқ мурувват ёрдами кўрсатишга ўргатиш.

Умуман олганда, «Марказийосиёбат» тинчликпарварлари ўз зиммаларига юклатилган барча топшириқларни муваффақиятли адо этишди. Айниқса, «Марказийосиёбат» вакилларининг шартли миналаштирилган майдондан тўлиқ сафда қайтиши эътиборга молик бўлди. Чунки ҳеч бир мамлакат хизматчилари бундай натижаларга эриша олмади. Ҳатто Америка денгиз пиёдалари ва канадаликлар ҳам миналаштирилган майдонда ўз вакилларини «йўқотиб» қўйишди.

АҚШ, Канада, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон тинчликпарвар жамлама ротасининг бошлиғи канадалик майор А. Бэлл машғулотлардан хулоса чиқарар экан, бу машқларда ҳамюртларимизнинг, жумладан, оддий аскар Д. Жўраев, У. Ғаффоров, А. Саломовнинг юқори натижалар кўрсатганлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистонлик тинчликпарварларни нафақат уларнинг қуролдошлари, балки ўқув машқларининг раҳбарияти ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олинди. Ҳамюртларимиз ҳам жисмоний, ҳам жанговар тайёргарликлари юқори даражада эканлигини намойиш этиб, мақсад сари интилиш йўлида намуна бўлдилар.

Темур АБДУСАИДОВ,
ҳарбий журналист, капитан.
Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

«ЁВВОЙИ БОЗОР»

(Ҳазорасп тумани раҳбарлари эшитмасин)

Ҳазорасп тумани марказидаги кийим-кечак бозорининг донғи бутун Марказий Осиёга кетган. У пойтахтдаги «Отчопар», Қўқондаги «Жаҳон» бозорлари сирасидаги энг йирик савдо-тижорат марказларидан. Халқ тилида унинг «Қозоқ бозори» деб юритилиши аслида бу ерга қўшни давлатлардан кўплаб харидорларнинг тинмай оқиб келишларига ишора.

Аввало, бозор учун яхши ўрин танланган. Бир неча ўн гектарлик майдонда 2 минг савдогар-тижоратчи учун қулайлик яратилган. 1200 ўринлик ёпиқ расталар қурилган. Ҳар бир тур маҳсулот учун алоҳида ўрин ажратилган. Бу сотишга ҳам, харид қилишга ҳам осон.

— Вақт ўтиши билан жой торлиги сезилиб қолди. Олдин биз бу фақат кийим-кечак бозори бўлади, деб ўйлагандик. Лекин, деҳқонлар мева-сабзавотини ҳам келтириб сотишаяпти, — дейди бозор директори Қодир Юсупов. — Бундай қараганда, мева, кийим-кечакниям бир бозорнинг ўзида харид қилиш мумкин. Яқин орада мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари учун 200 метр узунликдаги ёпиқ бозор қурилишини бошламоқчимиз. Қурилишни Дўстлик шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз зиммасига олди. Аммо белгиланган маблағни вақтида ўтказиб беролмаганимиз учун ишлар суст кетаяпти. Янги йирик раста қурилишига ўн миллион сўм маблағ кетади. Ҳисоб рақамимизда маблағимиз етарли, аммо банк тизими ишидан норозимиз. Маблағни ўтказишни асоссиз кечиктиришади, бу ёқда эса...

Бозорда 90 нафарга яқин ходим ишлайди. Улар патта сотиш, юкларни ташиш, озодалик ва ораслаликни сақлаш, тартиб-назорат ўрнатиш билан машғул...

Аммо, бозорда ҳали тартиб ўрнатилганича йўқ. Биз билан суҳбатлашган туман раҳбарларидан бири уни «Ёввойи бозор» дея таърифлади.

Нега?

Бозор ҳудудида рухсатномаси бор 21 та дорихона жойлашган. Лекин энг йирик расталардан бири дорифурушлар илкида. Дори-дармон билан рухсатсиз савдо қилиш авжида. Масъулмутасадди ташкилотлар эса бундан «бехабарлар». Онда-сонда номига рейд ўтказиб, дорифурушларни ҳайдаб чиқарган бўлишади. Тамом-вассалом. Ички ишлар ходимлари ҳали беш қадам нари кетмасидан дорифурушлар тағин «севимли» жойлари — расталарга қайтаверадилар.

Энг ёмони, инсофини йўқотганлар харидорларни алдаб, дориларнинг ёрлиқларини алмаштириб, тамомила бошқа дориларни сотишдан ҳам тап тортишмаяпти. Ҳатто полиглугилин дориси ўрнига гемодезни алмаштириб сотиш оқибатида қандли диабети бор бемор бир ўлимдан қолгани, дори харид қилган яқинлари эса бозорга келиб, роса тўпалон қилишгани воқеасини ҳам шу ерда айтиб беришди...

Бундай нохуш манзарани бозорнинг «Ароқ-вино» растасида ҳам кўриш мумкин. Аслида бундай раста йўқ. Уни ароқфурушларнинг ўзлари ташкил этишган. Кайф дорисини ноқонуний ва берухсат сотаётган ароқфурушларни бозордаги вазият билан танишган куни ҳар қадамда учратдик. Улар энг қулай ўринларда ястаниб, турли-туман чет эл маҳсулотлари ва вилоятдаги «Шароб» ҳиссадорлик жамиятида чиқарилган ичимликлар «кўргазмаси»ни ташкил қилиб ўтиришибди. Спирт ўрнига оддий сув харид қилиб, чув тушганларни айтмайсизми? Қўлбола ҳолда тайёрланган вино, коньяклардан заҳарланганлар қанча? Бозор хизматчиларининг эса бу бақувват савдогарларни ҳайдаб чиқаришга кучлари етмайди.

Кабобпазларнинг саноғига етиш қийин. Уйда тайёрланган турли-туман овқатлар, оддий сув, ширинлик сотаётганларнинг адоғи йўқ. Маҳсулот сифати эса назорат қилинмайди.

Бозор айланиб, сотувчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар учовидан бири ёки иккитасида патта йўқлиги кишини ўйлантиради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, солиқ ташкилотларининг ташаббуси билан бозорда рейд ёки текширишлар ўтказилган кунлари тушумлар ҳажми камида 30-40 минг сўмгача ортгани кузатилган. Бошқа кунлари эса тушумнинг баракаси йўқ.

Бугун бозор шахсий мулк эгалари, тадбиркорлар қўлида. Ҳамма раста-дўконлар уларники. Тумандаги бошқа ташкилотлар эса бу курашда енгилишган. Мисолми? Туман матлубот ҳиссадорлик жамиятининг атиги икки ўриндаги дўконига харидорлар бормай қўйишганига анча бўлди. Чунки бозорда арзон, дўконда эса қиммат. Мавжуд тўртта савдо-харид идорасининг бирортаси ҳам мавсумда мева-сабзавот дўкони очмаган. Улар бозорда фақат музқаймоқ сотишади. Тумандаги йирик ип-йигирув фабрикаси, ўнлаб корхоналар, хўжалик, ташкилот, муассасаларнинг бирортаси бозорда ўз савдо шохобчаларига эга эмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин? «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганлари шумикин? Аксарият жамоаларда иш ҳақи учун нақд пул топилмаётганининг боиси ана шунданмасмикин?

Умуман, бозорда аҳолига хизмат кўрсатиш яхши эмас. Сотувчилар, харид қилувчилар учун яратилган биргина хизмат — юкчиларни айтмаса, бошқа бирор хизмат тури ташкил қилинмаган. Автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларидаги чанг-тўзон, тартибсизлигу, бошбошдоқликларни эса биз айтмайлик, сиз куйманг.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўлиб, кейинчалик кўп саъй-ҳаракатлар билан бир нави тартибга солинган машҳур Ҳазорасп бозорининг бугунги қиёфаси шундай! Бу ерда бугун тартибдан кўра кўпроқ тартибсизликни, назоратдан кўра ўзбилармонликни кузатдик. Хўш, шундоқ бозор ёнида жойлашган туман ҳокимлиги ғафлат уйқусидан уйғониб бу борада қачон таъсирчан чора-тадбирлар кўраркин?

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

30 МИНГ АЖРАТДИ

Зафарободдаги масъулияти чекланган «Шарқий экспресс» жамияти «Камолот» ёшлар жамғармасининг Гиждувон бўлимига ёрдам сифатида 30 минг сўм ажратди.

Бу ташаббус кенг ёйилиб бормоқда. Жумладан, Гиждувон шаҳар ҳокимлиги 100 минг сўм, «Шукурмалик» фирмаси эса 6,5 минг сўм пулни ёшларнинг янги жамғармаси учун тақсимлади.

Қолаверса, ёшлар ташкилоти қошида «Камолот-бизнес» фирмаси ҳам иш бошлади. У ерда қурилиш материаллари етказиб бериш цехи ва дурадгорлик устахонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Фирма ишлаб топган маблағ «Камолот»ни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Диққат: пахтачиликда янги технология

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭККАНЛАР ФАҚАТ ЮТАДИ

Буни андижонлик пахта усталари амалда исботладилар

Кейинги икки йилдан буён республика деҳқонлари орасида «Пахтачиликда андижонча усул» ибораси тез-тез тилга олинаяпти. Бу янги усулнинг мазмун-моҳияти ҳақида газетамизда батафсил ҳикоя қилгандик.

Қўйида эса андижонча усулни мамлакатда биринчи бўлиб дадил қўллаб, унинг афзалликларини амалда исбот этиш ташаббусини бошлаган мутахассис ва олимларга сўз берилади.

Аслида бу технология жаҳон пахтачилигида мавжуд бўлиб, Хитой, Испания ва Грецияда кенг қўлланилади. Олинган маълумотларга қараганда, устивор жиҳатлари кўп. Бизнинг шароитда янада кўпроқ самара бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мамлакатда ҳозиргача қўллаб келинаётган технология бўйича чигит апрель ойида экилади. Бунга сабаб тупроқдаги ҳароратнинг етарли (11-12 даража) бўлишини кутишдир. Янги усулнинг қулай томони шундаки, апрелни пойлаб ўтирмай, 15-16 мартда, яъни тупроқнинг 10 сантиметр қатламидаги ҳарорат 8-10 даража бўлганда ҳам экавериш мумкин. Сабаби — плёнка қуёшнинг таъсирида тупроқдаги ҳароратни 3-4 даража оширади, чигит дарҳол амал олиб, тўла ва текис униб чиқади, тез илдиз ота бошлайди.

Плёнка остига экилган майдонларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ доим майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қўшимча ҳарорат тупроқнинг пастки қисмидаги намни буғлатиб, тепа қисмига кўтаради. Плёнкага тарқалгач, яна қуйига тушади. Натижада тупроқдаги фойдали организмларнинг ҳаёт фаолияти кучаяди. Чигитнинг униб чиқиши учун эса нам доимо етарли бўлади. Тупроқ қатламидаги мавжуд органик ва минерал ўғитлар ёш ниҳолларда пайдо бўлаётган илдизчалар орқали тўла экинга сингади ва ғўза дуркун, соғлом ўсиб, тез ривожланади.

Чигит 90 сантиметр кенгликда 90х30 схемада қўшқатор қилиб экилади. Эгатнинг кенглиги 60 сантиметр, қўшқаторнинг оралиғи 30 сантиметр ва кўчатлар оралиғи 12 сантиметр бўлади. Шунда ҳар гектар ерда 180 минг туп кўчат жойлаштиришга эришилади. Аввалги усулда эса кўчатлар сони 70-90 минг туп-дан ошмасди.

Плёнка остида ҳароратни кўпроқ эмган ғўза ривожи тезлашади ва ҳосилга кириши ҳам шунга яраша барвақт бўлади. Хуллас, ҳар бир тадбир ўз вақтида, оби-тобида ўтказилса, ҳосилнинг пишиб етилиши оддий усулга нисбатан, ҳатто бир ойга тезлашиши мумкинлиги амалда исботланди. Чунончи, вилоят бўйича плёнка остига экилган майдонлардан ўртача 42,5 центнердан ҳосил олинди. Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 11,8 центнер кўпдир.

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» хўжалигида эса 50 гектар майдонда хитойликлар кузатувида плёнка остида парвариш қилинган ғўза 46,2 центнердан ҳосил берди. Оддий усулда парвариш қилинган ердан эса 29,2 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Катта майдондаги бу тажриба натижаси янги технологиянинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди. Демак, янги усул рисоладагидек қўлланилганда Президентимиз таъкидлаганидек, республика бўйича ҳосилдорликни 14-15 центнер ошириш имкони бор.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, янги технологияни жорий этишга пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Аввало, ер сифатли тайёрланиши, тупроқ майин ва бир текис бўлиши лозим. Агар 2 сантиметр ёки ёнғоқдан каттароқ кесак бўлишига йўл қўйилса, плёнка йиртилиб кетади. Сабаби — плёнка ғоят юпқа. Шу боис ва жуда тиниқ бўлганлиги сабабли ўсимликка ғоят зарур бўлган иссиқлик ҳамда ёруғликни яхши узатади. Далада ғўзапоя, ажириқ, ҳамда ғумай илдизлари қолдиғи бўлса ҳам плёнкага халақит беради. Бундан кўриниб турибдики, плёнка остига чигит экиш мўлжалланган майдон ҳар томонлама сифатли ва тоза бўлиши шартдир.

Янги технологияга ўтишнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳам бўлиб, ундан сезиларли даражада наф келади. Оддий усулда ривожланган ғўзалар 5-6 марта суғорилади. Ҳар бир суғоришга гектар ҳисобига 800-1000 куб метр сув сарфланади. Плёнка остида эса ғўзалар 3 мартагача енгил суғорилади (600-800 куб метр).

Оддий усулда парвариш қилинганда ишчи кучи сарфининг асосий қисми яганага, ўтоқ ва кетмон чопиғига тўғри келади. Янги усулда ягана ва кетмон чопиғига ҳожат бўлмайди. Аҳволга қараб, 2 марта енгил ўтоқ ўтказилиши мумкин.

Далага кириб чиқаётган техниканинг тупроқ унумдорлигига таъсири ҳақида кўп гапирамиз. Ғўза қатор оралари камида 6-7 марта культивация қилинади. Янги технологияда эса кўп культивацияга ҳожат қолмайди. Ҳар сувдан кейин саёз культивация ўтказилса кифоя.

Чигитнинг қадри янги усулда янада кўзга ташланади. Оддий усулда кўп мушоҳадаларга бориб, чигит сарфига эътибор қилмаймиз. Плёнка остига чигит экиш сеялкасида туксизлантирилган чигит бир тешикка аниқ ташланиши туфайли ҳаражат кескин камаяди.

Ўсиш даврида берилиши лозим бўлган минерал ўғитнинг тенг ярми экиш билан бир вақтда солинади. Натижада ёш ниҳолларда пайдо бўлган илдизлар қисқа муддатдаёқ озуқани «ҳазм» қилишга киришади. Қолган ўғит май ойининг охирида 60 сантиметрли эгатнинг ўртасидан окучлик орқали берилади. Янги усулда парвариш қилинган ғўза қатор оралари доимо юмшоқ ҳолатда бўлади ва ўғитларни яхши «ҳазм» қилади.

Агар плёнка остига чигит экилган картанинг узунлиги 200-500 метрдан мўлроқ бўлса, ўқариқлар олинадими, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, ўқариқ, албатта олинади. Картанинг узун-қисқалигига қараб 100-120 метр масофага биттадан кўндалангига ўқариқ олиниши керак. Чигит экиб бўлингандан кейин шошилмасдан (май ойида) плёнкани кесиб ўқариқ олинади.

Ҳаёт тажрибаларидан маълумки, ҳар қандай янгилик сидқидилдан ёндашилганда, зийраклик билан тадбиқ этилгандагина ўзига йўл топади. Бинобарин, чигитни плёнка остига экиб, эрта ва мўл ҳосил етиштириш усулини қўллашда ҳам шошма-шошарлик, палапартишлик билан иш тутиш ярамайди. Аввал бу янги технологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик жиҳатларини обдон ўрганиб олиш лозим. Бунинг учун республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Қишлоқ хўжалик фанлари академияси қошида яқинда иш бошлаган илмий-ишлаб чиқариш марказига мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, илғор технологияни ўз далаларида синовдан ўтказиб, ижобий натижаларга эришаётган андижонлик уста пахтакорлар ҳузурига бориб, янгилик билан батафсил ва чуқур танишини маслаҳат берамиз. Бу борада Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳар бир пахтакорга зарур шарт-шароитларни яратиб беришни ўз зиммасига олади.

М. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари.

У. РАҲМОНОВ,
Андижон вилояти агросаноат уюшмаси пахтачилик бўлими бошлиғи.

О. ЁҚУБЖОНОВ,
Андижон вилояти агросаноат уюшмаси фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш бўлими бошлиғи.

О. МАҲМУДОВ,
республика пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали директори.

ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ КРАВЧЕНКО

Айни меҳнат фаолияти жўш урган бир паллада Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Александрович Кравченко бевақт оламдан кўз юмди...

У қарийб 25 йил республика алоқа корхонадарида самарали меҳнат қилиб, ўзининг бор билими ва маҳоратини алоқа соҳасининг равнақига сарфлади. Моҳир алоқачининг муҳандислик ва раҳбарлик истеъдоди юртимиз телекоммуникация тизимининг тараққиётига хизмат қилди.

Владимир Александрович Кравченко 1945 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У Тошкент электротехника алоқа институтини тугатгандан сўнг армия сафида хизмат қилди. Харбий хизматдан сўнг Тошкент шаҳар Ҳамза телефон алоқаси тугунида бошлиқ ўринбосари ва бош муҳандис вазифаларида ишлади. 1975-1983 йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоқлари цех бошлиғи, сўнгра шу тармоқнинг қурилиш-таъмирлаш бошқармасига раҳбарлик қилди. Кейин икки йил мобайнида «Союзтелефонстрой» трестининг иккинчи қурилиш-монтаж бошқармасида бош муҳандис вазифасида фаолият кўрсатди. Сўнгра у Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг бош муҳандислик вазифасига ишга ўтказилди.

Владимир Александрович 1986 йилдан бошлаб 10 йил мобайнида вазир ўринбосари, 1995 йилдан эса вазирнинг биринчи ўринбосари каби масъулиятли вазифаларда меҳнат қилди. Мана шу даврда унинг ҳар томонлама қобилиятли раҳбар эканлиги намоён бўлди. У соҳани ривожлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳа-таклифларнинг ташаббускори ва амалий ижрочиси бўлди.

Владимир Александрович алоқачилар ва жамоатчилик орасида катта обрў-эътибор, ҳурмат қозонган эди. У Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда вазирликнинг «Алоқа устаси» нишони билан тақдирланган эди.

Владимир Александрович Кравченконинг ёркин хотираси уни яхши билган, бирга меҳнат қилган дўстлари қалбида абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги вазирнинг биринчи ўринбосари
Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирининг биринчи ўринбосари
Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Кеча республика Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташаббуси билан журналистларнинг галдаги йиғилиши бўлди. Ўзаро мулоқат тарзида ўтган бу йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган нутқида оммавий ахборот воситалари олдига қўйган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

АВТОСАЛОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ишлаб чиқарган машиналарни сотиш билан шуғулланадиган автосалонлар тармоғи тобора кенгаймоқда.

Асака—Андижон йўлида жойлашган «Ҳасонат» савдо марказида Ўзбекистоннинг биринчи автомобиллари билан савдо қилиш бошланди. «Газмол-АНД» ҳиссадорлик жамияти бу ерда «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналари савдосини ташкил қилди.

Андижон вилояти шаҳарлари ва туманларининг кўпида Асака автомобилсозлик заводи маҳсулотлари билан савдо қиладиган автосалонлар очиш кўзда тутилмоқда.

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН АРЗОН НАРХЛАРДА
ҚУЙИДАГИЛАР СОТИЛАДИ:

** ТЕГИРМОНЛАР УЧУН ВАЛЛАР:
- БЗН 1000х250;
- БВ 1000х250.

** 50 кг ва 15 кг
СИҒИМЛИ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР.

Тўлов шакли: нақд пул ўтказиш ва вексел билан.

Манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26.

FIRMA DEMIR

Тел.: 30-40-42, 41-87-73, 33-81-48, 33-06-00, 42-27-43, 42-06-73.

Во ажабо!

«УНДИРСАК... ТЎЛАЙМИЗ»

Холтўра Назаровнинг қурувчилик қилаётганига 25 йилдан ошди. Бу соҳада қилмаган иши қолмаган. Икки йилдан бери Шўрчи туманидаги 279-хўжаликлараро қурилиш жамланмасининг бошлиғи.

Мен номозшом чоғи Холтўра ака билан суҳбатлашаётиб: «Қачон мулкчилик шаклини ўзгартириб, ҳиссадорлик жамиятига ўтасизлар?» — деб сўрадим. У киши айтдиларки: — «Эртага соат... тўққизда!»

— Акция қоғозларини олиб келиб қўйганмисизлар? Жумани яхши кун дебсизлар-да. Пайшанба ҳам ёмон эмас... кўп одамлар учун.

— Ҳали акция йўқ. Унинг ҳам ярмидан озроғи бизга тегар экан.

— Индамай ўтирсаларингиз умуман, бермасликлари ҳам мумкин. Шу тариқа кимларнингдир ёлланма ишчисига айланиб қоласизлар.

— Катталар нима деса, шу-да...

Айтинг, шундан кейин ҳам мулкчиликнинг янги шакллари, жаҳон андозалари, бозор иқтисодиёти ҳақида фикрлашиб бўладими?

Жамланмада жами 67 киши ишлар, шунинг 49 нафари қоровуллар билан қурувчилар экан. Иш ҳақида гап очдим. Қурувчилар апрель, май, июнь ойлари учун маош олишмапти.

— Уч-тўрт ойлаб «насия»га меҳнат қилиш қурувчиларнинг кайфиятига қандай таъсир қилаяпти?

— Ўзингиз биласиз-ку...

— Менинг билганим кифоя қилмайди-да.

Хуллас, маош учун пул йўқ. Шу боис бажарилган иш учун гоҳида турли хил эҳтиёж маҳсулотлари тарқатилади. Аммо бу молларнинг нархи ва сифати қурувчиларни қониқтирмагани учун... жамланма ўз навбатида уларни бошқаларга... пулламоқда. Бундан кимга наф эканлигини ҳеч билолмадим.

Холтўра акамизнинг босиқлик билан қайта-қайта таъкидлашича, маблағ масаласи чатоқ. Чунки асосий буюртмачи — «Олтиной» хусусий фирмаси жамланмадан 1,5 млн. сўм қарздор бўлиб турипти. Яъни, Холтўра ака бундан бир неча ой илгари фирмачиларнинг «лалми» ваъдасига ишониб... ишни «дўндириб» ташлаганлар. «Олтиной»нинг «каттаси» шу орада қамоққа тушиб қолди. «Яқинда чиқибди. Энди берса керак», дейди майингина қилиб Холтўра ака.

Тумандаги «Сув-оқава» деган идорада ҳам 394 минг сўм қарзи ётипти. Бултур шаҳар марказида ҳамкорликда бир чойхона қурилган эди. Холтўра аканинг жамоаси бунинг учун сарфланган 233 минг сўмни ҳалигача ололгани йўқ. Ололмаса ҳам керак. Чунки калава чувалашиб кетган.

Бошқаларнинг чўнтагини қаппайтириб юрган бундай пулларни ҳисоблайверсангиз, а-анча бўлади. Ва худди ана шу сабабли қурувчиларга уч-тўрт ойлаб маош беришнинг иложи бўлмаяпти. Ўз навбатида Холтўра аканинг идораси ҳам бир қанча ташкилотдан қарздор. Масалан, Шўрчидаги ғишт заводидан 300 минг сўм, 2530-автокорхонадан 317 минг сўм, Сариосиёдаги 5-қурилиш конструкциялари комбинатидан 139 минг сўм, Термиздаги яна бир ташкилотдан 373 минг сўмни бир қанча вақтдан бери Холтўра аканинг ўзлари ҳам... насия қилиб туриптилар.

— Шу-унча қарзингиз бор экан... Иш ҳақиям тўланмай ётипти. Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Бошқалар бизнинг қарзимизни берсин, кейин биз ҳам берамиз...

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОСОН ҚЎЙЛАРИ АРАБИСТОНДА «ЯЙРАЙДИ»

Косон туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Турон» жамоа-ширкат хўжалиги чорвадорлари Саудия Арабистони мамлакатининг ал-Тоифа шаҳридан келган мутахассислар билан зотли қоракўл қўйларни айрибошлаш юзасидан аҳдлашув туздилар.

Битимга кўра, Косондаги қоракўл қўйларнинг катта туркуми хорижга жўнатилади. Саудия Арабистонидан Косон туманига эса зотли қўйлар келтирилади.

Шундай қилиб, қоракўл қўйлар наслини яхшилаш борасида ҳар икки томон учун манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом авлод учун

ТОҒЛИКЛАР КЎНГЛИНИ ТОҒДАЙ ЎСТИРИБ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқинда бўлим директори Жаҳон Роҳатова раҳбарлигидаги малакали шифокорлар, жамғарма ходимлари ва ҳокимлик вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Янгийўл ва Бўка туманларида, Оҳангарон туманидаги тоғ қишлоқлари — Шовғазсой ва Овжазсойда бўлдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий патронаж хизматини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалда бажариш борасида дастлабки тадбиримизни Оҳангаронда ўтказдик, — дейди Жаҳон опа.— Мақсадимиз қишлоқда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, турмуш маданиятини юксалтиришга кўмаклашишдан иборат. Гуруҳимизда тажрибали педиатрлар, гинекологлар, терапевтлар, ташхисчилар, кардиологлар ҳамда социолог мутахассислар бор эди.

Митти кўчма поликлиника деб ном олган, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган автоамбуланс ёрдамида 400 нафарга яқин болалар, салкам 300 нафар оналар ва қариялар соғлиғини тиббиёт кўригидан ўтказдик. Ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, турмуш шароитлари кенг ўрганиб чиқилди.

Айрим беморларга даволаниш учун йўлланмалар берилди. Ички касалликлар билан оғрийдиганларнинг рўйхатини тузиб, туман соғлиқни сақлаш бўлимига маълум қилдик. Бундан буён «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пункти ходимлари уларнинг даволанишини назорат қилиб, ёрдам кўрсатадиган бўлдилар.

Шифокорлар қишлоқ аҳлига турли-туман доридармонлар тарқатишди. Шунингдек, 20 минг сўмликка яқин озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ҳадя қилинди. Соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбияси, оила ва никоҳ мавзуларида мазмунли суҳбатлар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, ишчи гуруҳи аъзолари тоғлик оддий одамларнинг дардларини тинглаб, кўнгилларини тоғдай ўстириб қайтдилар.

А. ХЎЖАМОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ДАРАХТЛАР ОРАЛИҒИ ҲАМ БЎШ ҚОЛМАЙДИ

дейишмоқда андижонлик ғаллакорлар

Вилоят ғаллакорлари экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда, дон етиштиришни кўпайтиришга интилмоқда. Улар тутзорлар ва мевали дарахтлар орасидаги кўпинча эътибордан четда қоладиган экин майдонларидан ҳам мўл ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаётир. Масалан, Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида 19 гектарни ташкил этадиган тутзорлар ва дов-дарахтлар оралиғида гектаридан 35 центнердан дон олинди. Шу тумандаги А. Тиллабоев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эса ундан ҳам ошириб ҳосил етиштирдилар.

Ғаллакорлар ва мутахассислар Балиқчи туманидаги «Чинобод» жамоа хўжалигида бўлишиб, бу борадаги илғор тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ғаллакорлар экин майдонларига асосан Краснодардан келтирилган серҳосил «ЮПА» навли буғдой уруғини сочишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ 1996 ЙИЛГИ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

12.00.01—Давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (мусулмон ҳуқуқи) —2 ўрин
12.00.02— Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи — 2 ўрин
12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ — 2 ўрин
12.00.05 — Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таълимот ҳуқуқи — 2 ўрин
12.00.08 — Жиноят ҳуқуқи ва криминология, аҳлоқ тузатиш меҳнат ҳуқуқи — 1 ўрин
12.00.09 — Жиноят жараёни ва криминалистика — 1 ўрин
08.00.03 — Халқ хўжалиги тарихи — 1 ўрин.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртқи) қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ — 1 ўрин
12.00.04 — Хўжалик ҳуқуқи, ҳакамлик жараёни — 1 ўрин
12.00.06 — Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи —1-ўрин.

Докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (мусулмон ҳуқуқи) — 2 ўрин
12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ — 1 ўрин

Ҳужжатлар 1996 йил 25 сентябрдан 1996 йил 25 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танланган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танланган мутахассисликлари, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларидан бўлади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35
Аспирантура бўлими телефонлари: 33-90-40, 33-12-06, 33-41-09

А. Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШЛАР

Пишиб етилган анорни кафтингизга қўйиб, яхшилаб тикилганмисиз? Доналари пўстини туртиб туради. Сал вақт ўтса, шу қалин пўстлар ички турткиларга дош беролмай, ёрилади.

Ўткирнинг ихчамгина «Тушда кечган умрлар» романида ҳам воқеалар шунчалик зички, муқовасини ёриб юбораман, деб турганга ўхшайди.

«Инқилобнинг ялангоч қиличи» бўлмиш ЧЕКАнинг зўравонлари, бутун етмиш йил давомида «мўмин қобил» халқ бошида тегирмон тоши айлантирдилар. Уларни муштумзўр, буржуа миллатчиси, феодал, халқ душмани, босмачи, ватан хоини, капитализм агенти деб атадилар. Бундай тамға босилган минг-минглаб кишилар олис тайгаларда, Сибирь қарағайзорларида хор-зорликда ўлиб кетдилар.

«Тушда кечган умрлар» романини ўқиганда ана ўша номсиз қурбонлар аста-секин бош кўтариб чиқаётганга ўхшайди.

Ҳали мустабид тузумнинг зуғумлари пасаймаган, афғон урушида ўққа учганларнинг ярасидан оқаётган қон тўхтамаган, «Ўзбек иши» деган қатағон қурбонлари оқланмаган бир пайтда бундай ошкора асар ёзиш учун катта жасорат ва шижоат керак эди.

Ўзининг кўплаб оммабоп мақолаларида, бадиий асарларида қўрқмай ҳақ гап айта олган Ўткир Ҳошимов бу гал ҳам қўли қалтирамай, атрофга хавотирли алангламай қалам тебратди.

Романнинг анчагина бобларида афғон уруши тасвирланади. Адиб бу адолатсиз урушнинг бутун фожеасини, ғайриинсонийлигини рўй-рост тасвирлайди. Мина портлаганда қўли бир томонга, боши бир томонга учиб кетган йигитнинг жон таслим қилиши, юртини соғинган аскарнинг нуқул ўлими туш кўриши, ҳимоясиз афғон қишлоқларининг кули кўкка соврилиши манзаралари ўқувчи қалбини ларзага солади.

Роман қаҳрамонларидан бири Рустам ўз «интернационал» бурчини ўтаётганидан мамнун эди. Бироқ у бу қонли манзаралар қаршисида ўйга толади. Бу уруш халқларга фақат кулфат олиб келиши мумкинлигини тушуниб қолади. Бироқ... у ўз жонини сақлаш учун қон тўкиши шарт. Акс ҳолда унинг ўзи қурбон бўлади. У бегуноҳ афғон аёлини отиб қўйганда қанчалар гуноҳга ботганини англайди. Изтироб, алам оташида ёнади. Унинг фожеаси бу билан тугамайди. Оғир яраланиб уйига қайтганда яна бир даҳшатли фожеа устидан чиқади. Бир умр меҳнатдан боши чиқмаган, партия қаерга ташласа ўша ерни меҳр билан гуллатган, қўша-қўша орденлар олган отасини «қўшиб ёзувчи» сифатида қамашганини эшитиб, хайрону лол бўлиб қолади. Дунё кўзига қоронғу бўлиб кетади. Рустамнинг адолат қидириб, елиб-югуришлари беҳуда кетади. Ҳеч ким унинг арзодига эътибор қилмайди. Қайтага «Зўравонлигингни афғонга бориб қил, бу ерда кетмайди», деб ёрмак қиладилар. У икки йил йўлига интизор кўз тиккан севгилиси Шаҳнозага уйланганида бугун ҳаёти фожеага айланганини билади. У афғондан «яроқсиз» эр бўлиб қайтганини сезади. Рустам севган қизини бахтли қилишдан мосуво бўлган... Йигит киши учун бундан ортиқ фожеа бўлиши мумкинми?

Отасини туҳматлардан қутқаришга ожиз, севгилисини бахтли қилишдан ожиз Рустам ўз жонига қасд қилишдан бошқа илож тополмайди.

Ёзувчи фожеаларнинг илдизлари чуқур, ҳамма гап мустабид тузумнинг моҳиятида эканини очиб ташлайди. Романдаги комиссар образи орқали сўнгги эллик йил ичида юз берган золимликлар намоён бўлади. Коллективлаштириш йилларидаги сургунлар, 37 ва 50-йиллардаги қатағонлар, афғон уруши, ва ниҳоят «Ўзбек иши» деган жирканч туҳмат, биз сиғинган тузум адолатсизлик ва зулм пойдевори устига қурилганини ва нураб, ер билан яксон бўлиш арафасида охирги нафасини олаётгани жуда ишонарли тасвирланганига иқрор бўламиз.

Комиссар ҳам ўзи суянган тузум билан баробар нураб бораяпти. Роман охирида галати бир эпизод бор. Комиссар фаррош Қурбоной билан шунчаки гаплашиб қолади. Бу аёлнинг бошига ёғилган кулфатларга шу одам сабабчи. Бир вақтлар эшон деб бобосини, халқ душмани, деб дадасини қаматган. Онасини зўрлаган. Онаси номусга чидолмай, ўзини осган. Қурбонойнинг бу мараз кимсани кўрарга кўзи йўқ.

Улар орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

— Ўзингиз тузукмисиз? — деди Қурбоной бошқа гап тополмай.

— Менми? — Комиссар кулди. — Хэх-хэх-хэх! Қачон ўласан, демоқчимисан? Овора бўласан! Мен ўлмайман. Хэх!..

Назаримда бу гап тагида жуда катта маъно яширириб ётибди. Ёзувчи бизни огоҳ қиляпти. Етмиш йиллик умримиз-ку қўрқинчли туш каби ўтди. Зулм ва мустабидликка асосланган тузумнинг комиссарлари ҳали осонликча жон таслим қилмайди, ўғри мушукдек пайт пойлаб ётади, демоқчи.

Ўқувчи бу асарни қоқинмасдан, турпинмасдан, диққати сусаймасдан ўқиб чиқади. Бир неча саҳифа ўқиганингиздан кейин кўнглингизга қандайдир мунгли куй кириб қолганини, бу куй то охирги саҳифаларгача сизни таъқиб қилаётганини сезмайсиз. Асар қаҳрамонлари тирик инсонлардек кўз олдингиздан ўтади. Овозларини ҳам эшитаётгандек бўласиз. Бирига муҳаббат қўйсиз, биридан нафратланасиз.

Бундай асарлар китоб жовонида ётиб қолмайди. Жуда тез қўлма-қўл бўлиб кетади. «Тушда кечган умрлар» романи 75 минг нусхада босилиб, жуда тез тарқаб кетгани ҳам бу гапимни тасдиқлайди.

Америка Қўшма Штаталаридаги энг нуфузли журналлардан бири «Икарус»да бевосита ўзбек тилидан таржима қилиниб босилиши романнинг хорижий юртларга сафари бошланганидан мужда.

«Тушда кечган умрлар» романининг Навоий номидаги юксак мукофотга номзод қилиб кўрсатилиши айни муддао бўлди. Бу китоб, шубҳасиз, шундай мўътабар мукофотга лойиқдир.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

Шаҳрисабз—Амир Темур ордени билан мукофотланган иккинчи шаҳар. Бундай эъзоз қадимий шаҳар тарихида ўзига хос бетимсол воқеа. Қадимги қўлёзмаларда Навтака, Кеш, Шаҳрисабз номлари кескин тарихий воқеалар силсиласида учрайди. Самарқанду Бухоронинг тенгдоши бўлган бу юрт номи дунёга танилган кўплаб даҳоларга бешик бўлди. Сўз оламини ўзининг сеҳрли оҳанглари билан ҳайратга солган Мирзо Бедилнинг, эпик шеъриятнинг йирик вакили Хисрав Деҳлавийнинг, сўз мулкининг шоҳсултони Алишер Навоийнинг ота-боболари шаҳрисабзлик бўлганлар. Соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг шу маскан билан бевосита боғлиқлиги унинг шуҳратини оламга танитди. Унинг бугунги куни ҳам ўтмиши каби гўзал ва сервиқор.



КЛАВИХОНИНГ ҲАЙРАТИ

Тўқсонинчи йилларнинг бошларида «Санъат» журналининг қатор сонларида Клавихонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» босилиб чиққан эди. Уни марҳум олим, Тошкент давлат дорилфунунининг профессори Очил Тоғаев ўзбек тилига таржима қилганди. Зеро, Амир Темур саройи у ердаги тартиб-қоидалар тўғрисида Клавихочалик батафсил маълумот қолдирган муаллиф йўқ. Испания элчиси кўрган-кечирганларини кунма-кун ёзиб борган, ҳар бир воқеа-ҳодисаларга ўз қарашларини билдириб, баҳо берган. Элчи ўз кундаликларини 1403-1406 йиллари битиб қолдирган бўлса-да, сал кейинроқ китоб ҳолида чоп этилади. Фақат 1881 йили рус тилида нашр этилади.

Руи Гонзалес Клавихо бошчилигидаги элчилар 1403 йили Испаниядан чиқиб, тоғу тошлар, денгизлар ва саҳролар оша 1404 йили августида Амударёдан ўтиб, Термиз шаҳрига етиб келишади. Клавихо ўз қаҳроҳлари билан бундан нақд 599 йил муқаддам — 1404 йил 28 август, пайшанба куни Амир Темурнинг ота юрти—Кеш шаҳрига кириб келган. У ёзиб қолдирган кундаликларнинг биз учун аҳамияти шундаки, Клавихо Кеш шаҳри, унинг табиати, қурилишлари ҳақида қизиқарли ва бой маълумотлар келтирган. «Кеш сой ва анҳорлар ўтган текисликда жойлашган. Шаҳар атрофи кўплаб боғлар ва уйлар билан ўралган. Аҳоли яшайдиган қишлоқлар кўмкўк ўтлоқзорлардан иборат. Сувга сероб бу текислик ёзда жуда гўзал манзара касб этади» — деб ёзади муаллиф. Клавихо бу ерда буғдой, тарвуз экилишини, Кешнинг атрофи токзор ва мевали дарахтлар билан қопланганлигини таърифлайди.

Клавихо шаҳарга кираверишда пахтазорларни кўрган. Бундан бир неча йил илгари Оқсарой атрофида ўтказилган қазишма ишлари пайтида пахта тасвири туширилган сирли кошинлар топилган эди. Бу пахтанинг қадимий экин эканлиги, юртимизда бундан олти аср илгари ҳам экилганлигидан дарак беради.

Шаҳарнинг тупроқ қалъа ва чуқур ҳандақлар билан ўралганини, ичкарига кўтарма кўприклар орқали кирилишини ҳам кундаликлар орқали биламиз. «Кешда кўплаб катта уйлар ва масжидлар бор. Темурбек томонидан қурилаётган бир масжид алоҳида ажралиб туради, — деб ёзади элчи, — унда Темурбекнинг отаси дафн этилган мақбара бор. Темурбек топшириғи билан унинг ўзи учун қурилаётган мақбара битмаган. Айтишларича, бу ердан ўтган Темурбекнинг мақбара қурилишидан кўнгли тўлмайди. Мақбаранинг эшиги паст эканини айтиб, уни қайтадан ишлашни буюради. Масжидда унинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо ҳам дафн этилган.

Масжид ва мақбаралар тилла, зангори бўёқ ва кошинлар билан мукаммал ишланган. Масжид олдидаги катта ҳовлида ҳовуз бор, дарахтлар ўсиб турипти. Шоҳ фармойишига биноан масжидда ҳар куни йигирма қўй сўйилиб, отаси ва ўғли хотираси учун элга ош берилади. Элчиларни энг аввало ана шу жойга бошлаб келдилар. Кўплаб гўшт, мева келтирилиб, уларни меҳмон қилдилар».

Эртасига элчилар Оқсаройни кўришди. Клавихо уни кундаликларида «Катта сарой» деб атаган. Оқсарой қурилиши йигирма йил тинимсиз давом этган. Элчилар шу куни ҳам кўп усталар ишлаганини кўришган.

Клавихонинг қайд этишича, элчилар Оқсаройга жуда узун йўлакдан ғоят катта дарвоза орқали киришган. Улар йўлакнинг икки томонидаги ғиштин равоққа ҳар хил гулдор кошинлар қопланганини кўришган. Сўнгра бошқа эшикдан катта ҳовлига чиқишган. Ҳовли саҳнига оппоқ тош тахталар ётқизилган бўлиб, ҳашаматли долон билан ўралган. Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз бор. Ҳовли саҳнининг кенглиги уч юз газ келади. Мазкур ҳовлидан элчилар кенг уйга кирган. Унинг жуда баланд ва кенг эшигига зарҳал ва ложувард бўёқлар ҳамда нақшинкор кошинлар билан сайқал берилган. Бу эшикдан тўрт бурчак шаклидаги қабулхонага киришган. Қабулхонанинг деворларига олтин ва ложувард ранг берилган ҳамда ялтироқ кошинлар ёпиштирилган шифти сидирға заррин бўёқ билан мойланган.

«Бу ердан элчиларни иккинчи қаватга бошлаб кирдилар, — деб давом этади, муаллиф, — юқорида бизга шу қадар кўп ҳашаматли хоналарни кўрсатдиларки, бутун бино зарҳал билан сайқал берилгани учун уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил сўзлаш кўп вақтни олади. Бутун бўлма ва хоналар олтин, зангори ва бошқа хил бўёқлар билан шу қадар мукаммал ишланганки, ғоят дидли Париж аҳли ҳам буни кўриб ҳайратланган бўлур эди».

Оқсарой аёнлари элчиларни Соҳибқирон ва маликалар яшашига мўлжалланган бўлма ва ҳарамхоналар билан таништирадилар. Сўнгра уларни базм ўтказиладиган жуда кенг ва ҳашаматли хонага бошлаб киришади. Клавихо бу ерда кўрганларини шундай тасвирлайди:... «Кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар ўсиб турган, ҳовуз ва дид билан жойлаштирилган ўтлоқзорлар мавжуд бўлган катта боғ кўз олдимизда намоён бўлди. Боққа кираверишда шу қадар катта майдон мавжуд эдики, одамлар ёз ойлари сув бўйида дарахтлар соясида ҳузур қилиб ўтиришлари мумкин эди. Сарой шу қадар ҳашаматли ишлангандики, ҳамма хоналарини сўз билан тасвирлаб бўлмайди».

Испаниялик меҳмонлар шаҳарда икки кун бўлишиб, мамлакат пойтахти — Самарқандга жўнаб кетишади. Шу қисқа фурсат ичида кўп нарсаларни кўришга улгурадилар, бой таассуротлар оладилар...

Мўмин АЗИЗОВ.

ФИТРАТ ЁДИ

Абдурауф Фитрат — қолдирган бой мерос истиқлол туфайлигина яна қайтадан халқ мулкига айланаётир. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим маркази Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий анжуман ана шу буюк зиёли ижодининг турли қирраларини ёритишга бағишланди.

Маърузаларда таваллудининг 110 йиллиги нишонланаётган бу серқирра истеъдод соҳибининг маърифатчилиги, тарихий-ижтимоий қарашлари, драматургияси, шеърияти, тилшунослик, адабиётшунослик, тасаввуфшунослик ривожига қўшган ҳиссаси жуда катта эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққан Фитратнинг қизлари — Севара опа ва Дилбар опа оталарининг инсоний фазилатлари ҳақида хотираларидан ҳикоя қилдилар. Истибдод қурбони бўлган шоирнинг миллий ва инсоний туйғулари ҳадди аълосида ифода топган шеърлари жаранглганда олимлар, муаллимлар, талабалар ва ўқувчилар билан лиқ тўла зал тўлқинланиб кетди.

Анжуман Тошкентдаги 247-мактаб ўқувчиларининг бадиий чиқишлари билан якунланди.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

МУҲТАРАМ БОШ МУҲАРРИР!

Газетангизнинг 1996 йил 13 сентябрь сонида эълон қилинган «Болаларнинг маънавий дунёси» сарлавҳали мақоламда болалар маънавияти ва руҳий оламида узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ҳақида фикр юритиб, «Бу муаммолар ёзувчилар уюшмасида такрор ўртага қўйилиши керак эди, афсуски, кўпинча вазифа ва лавозим талашиш билан кун ўтаяпти» деган фикр айтилган эди.

Ўша жумладаги «Кўпинча вазифа ва лавозим талашиш билан кун ўтаяпти» деган фикр ўринсиз айтилганлигини таъкидлаб, ёзувчилар уюшмасидан узр сўрамоқчиман.

ЭҲТИРОМ БИЛАН: **ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ**

Спорт, спорт, спорт

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Германиянинг Гамбург шаҳридан ажойиб хушхабар келди. Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорянга даъвогарлик қилиб чиққан америкалик Жон Рид ҳамюртимизга муносиб қаршилик кўрсатолмади. Чемпион ва даъвогар ўртасидаги бу жанг иккинчи раунддаёқ ҳамюртимизнинг ғалабаси билан якунланди. Жон Рид шу кунгача 25 марта профессионал бокс рингтига чиқиб, шунинг 19 тасида ғалаба қозонган эди. Жаҳон чемпионлигини сақлаб қолган ҳамюртимиз Артур Григорян эса профессионал бокс рингтида ҳали мағлубиятга учраган эмас. Артурни навбатдаги ғалаба билан табриклаймиз.

Суратда: жаҳон чемпиони Артур Григорян.

ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИДА

Ереванда 32-марта ўтказилаётган шоҳмот бўйича жаҳон Олимпиадаси баҳслари шу кунларда айни авжига чиқди. 122 та жамоа қатнашаётган эркаклар баҳсида терма жамоамиз шарафини гроссмейстерлар — Михаил Салтаев, Сергей Загребельний, халқаро миқёсдаги спорт усталари — Сайдали Йўлдошев, Шуҳрат Сафин, Тоҳир Воҳидов, ФИДЕ спорт устаси Рустам Қосимжонов ҳимоя қилишмоқда.

Ҳамюртларимиз шу кунгача ўтказилган олти тур учрашувларидан сўнг 15 очко жамғарган ҳолда 8-15-ўринларда бораяпти. Пешқадамлик қилаётган россияликлар ҳисобида эса 17 очко бор. Эслатиб ўтамиз, шоҳмотчиларимиз АҚШ, Таиланд каби терма жамоаларни мағлубиятга учратишди.

Шоҳмотчиларимиз яна саккиз тур учрашувларида қатнашади.

Расул ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

"ЯРОСЛАВНА" ФИРМАСИ
сотиш учун таклиф қилади:
- GOODYEAR шиналари:
175x70 R13, 185x70 R13, 185x65 R14,
205x70 R14, 260x508, 320x508;
- автомобиль камералари:
300x508, 320x508, 260x508;
- кўп турдаги автомобиль мойлари ва суюқликлари;
- енгил автомобиллар учун аксессуарлар.
Ҳақини исталган шаклда тўлашингиз мумкин.
Манзил: Тошкент ш., Чехов кўч., 18.
Тел.: 54-99-42. Факс: 54-63-88.
СИЗНИНГ АВТОМАШИНАНГИЗ ЯХШИ ВА СОЗ БЎЛИШИГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

"Кварц" акционерлик жамияти
янги қувватларнинг ишга тушиши муносабати билан қалинлиги 3мм.дан 6мм.гача, ўлчамлари 1,3м. х 1,6м., 1,6м. х 2,0 метргача бўлган архитектура-қурилиш ойнасини етказиб бериш учун чекланмаган миқдорда буюртма қабул қилади.
Манзилимиз: 713830, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2а.
Тел.: 3-21-73, 3-27-64. Факс: 3-38-23.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси 17 ва 18 октябрда Тошкентда

Соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги юбилейи муносабати билан **«АМИР ТЕМУР: БУЮКЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК»** мавзуида республика театрлари фестивали ўтказади.

Фестивалга қатнашиш шартлари: республиканинг театрлари Амир Темур ҳаётига бағишланган спектакллардан асосий ижрочилар иштирокида лавҳалар кўрсатадилар.

Кўрик томошабин ва жюри аъзолари иштирокида Алишер Навоий номидаги катта театр саҳнасида 17 октябрь, соат 17.00 да бошланади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси Амир Темур образининг ёркин саҳнавий талқини учун учта мукофот таъсис этди:

Биринчи мукофот — 25000 сўм
Иккинчи мукофот — 15000 сўм
Учинчи мукофот — 10000 сўм

Совринлар 18 октябрь куни соат 17.00 да тантанали равишда топширилади.

Театр арбоблари уюшмаси котибияти.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири Оқилжон Обидович Обидовга қизи

Наргиза РУСТАМОВанинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси Ўзбекистон меҳнат вазири Оқил Обидович Обидовга ва оила аъзоларига қизлари

НАРГИЗАХОНнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирликда узоқ вақт фаол хизмат қилган

Флюра ГАЛЛЯМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТошДИУ жамоаси бош ҳисобчи ўринбосари Ҳалима Ирисматовага акаси

Ғаффор ИРИСМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"КАМОЛА ПАРВОЗИ" ФИРМАСИ
"КАМОЛА ПАРВОЗИ" фирмаси Тошкентдаги омборларидан енгил ва юк автомобиллари учун GOOD YEAR ШИНАЛАРИНИ СОТАДИ.
"КАМОЛА ПАРВОЗИ"нинг Тошкентдаги омборидан GOOD YEAR ШИНАЛАРИНИ сотиб олинг.
Тўлов шакли - сўмларда пул ўтказиш йўли билан.
Манзилгоҳ: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 52. Телефон: 56-41-25.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0509 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.23 1 2 3 4 5 6